



UDC: 616.36-053.8:616-022:615.8

РЕСПУБЛИКА МАХСУС 2-СОНЛИ ЗАНГИОТА ШИФОХОНАСИДА 2021 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАР ТАҲЛИЛИ

Собирова Гўзал Наимовна,
«Реабилитология, халқ тиббиёти ва
жисмоний тарбия» кафедраси
доценти, тиббиёт фанлари доктори,
e-mail: guzals@mail.ru,
ORCID: 0000-0003-1928-3218;

Бафоева Зарнигор Орифовна,
«Реабилитология, халқ тиббиёти ва
жисмоний тарбия» кафедраси ассистенти,
e-mail: bafoyeva.zarnigor@mail.ru,
ORCID: 0000-0002-2930-6201
Тошкент тиббиёт академияси

Миклиев Зуфар Абдумўминович,
Республика махсус 2-сонли Зангиота шифохонаси
3А бўлим мудири,
e-mail: Mikliev.Zufar@mail.ru,
ORCID: 0000-0001-8763-6092

***Аннотация.** Коронавирус касаллигининг патогенези охиригача ўрганилмагани, вирус штаммининг тез-тез ўзгариши, унга қараб касаллик клиникасининг турли-туманлиги, ҳа-лигача ягона даволаш тактикаси йўқлиги пандемиянинг ҳозиргача давом этишига сабаб бўлмоқда. Мазкур мақолада июнь ойида Республика махсус 2-сонли Зангиота шифохона-сида COVID-19 билан касалланган беморларни проспектив усулда ўрганиб чиқиш асосида олинган маълумотлар келтирилган. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мақсади бир ой давомида COVID-19 билан касалланган беморларни клиник таҳлил қилишидир. Бунда барча беморлар касаллик тарихи (ёши, жинси, ёндош касалликлари, шифохонада бўлган кунла-ри, ўтказилган текширув натижалари, таҳлиллари, даво муолажалари) ўрганиб чиқилди. Тадқиқот натижасида июнь ойида шифохонада, асосан, эркаклар, ёшлар ва ўрта ёшлилар даволангани, ёндош касалликларнинг учраши бўйича таҳлил қилинганда эса ўрта ёшлиларда қандли диабет, юрак шиемик касалликлари, кексаларда гипертоник касалликлар, ёшларда эса бронхит кўп учрагани маълум бўлди. Ҳазм тизими касалликлари алоҳида таҳлил қилин-ганида, аёлларда панкреатит ва холецистит, эркакларда эса бироз фарқ билан гастрит кўп учраши маълум бўлди. Жигар ферментларининг ўзгариши оқибатида шифохонада давола-ниш даврида АСТ ва АЛТ ошгани аниқланди. Кузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, июнь ойида касалланганларнинг энг кўп қисмини эркаклар, ёшлар ва ўрта ёшлилар ташкил эт-ган. Ёндош касалликлар кўпроқ ёшларда кузатилган, бу касалликларнинг ёшарганлигидан далолат беради. Жигар ферментларининг ошиши коронавирუსни даволашда қўлланилган дорилар билан боғлиқ бўлиши мумкин.*

***Калит сўзлар:** Covid-19, ёш, жинс.*



АНАЛИЗ ПАЦИЕНТОВ С КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЙ БОЛЬНИЦЫ «ЗАНГИОТА-2» В ИЮНЕ 2021 ГОДА

Собирова Гузал Наимовна,
доктор медицинских наук, доцент кафедры «Реабилитология,
народная медицина и физическая культура»;

Бафоева Зарнигор Орифовна,
ассистент кафедры «Реабилитология,
народная медицина и физическая культура»

Ташкентская медицинская академия

Миклиев Зуфар Абдумуминович,
заведующий отделением ЗА
Республиканской специализированной больницы «Зангиота-2»

***Аннотация.** Так как патогенез коронавирусной болезни до конца не изучен, а частая смена штамма вируса меняет клинику заболевания, отсутствие единой терапевтической тактики приводит к тому, что эта пандемия продолжается до сих пор. В статье приводится информация, полученная в Республиканской специализированной больнице «Зангиота-2» о пациентах с COVID-19 в июне месяца текущего года. Основной целью проведенного научного наблюдения является клинический анализ всех пациентов с диагностированным заболеванием COVID-19 в течение месяца. Были изучены истории болезни всех пациентов (возраст, пол, сопутствующие заболевания, даты их пребывания в стационаре, результаты проведенного обследования, анализы, лечебные процедуры). В ходе наблюдений стало известно, что в июне в больнице в основном лечились мужчины, люди среднего возраста и молодежь, при анализе частоты сопутствующих заболеваний наиболее распространенными были сахарный диабет и ишемическая болезнь сердца у людей среднего возраста, гипертония у пожилых, а бронхит чаще всего регистрировался у молодых людей. При анализе заболеваний пищеварительной системы выявлено, что у женщин преобладали панкреатит и холецистит, а у мужчин – гастрит. Ферменты печени показали увеличение АСТ и АЛТ. Из наблюдений можно сделать вывод, что в июне 2021 года наибольшее число инфицированных пациентов приходится на мужчин, молодежь и людей среднего возраста. Сопутствующие заболевания чаще встречаются у молодых людей, что свидетельствует об омоложении заболеваний. Увеличение ферментов печени может быть связано с препаратами, используемыми при лечении коронавируса.*

***Ключевые слова:** COVID-19, пол, возраст.*

ANALYSIS OF PATIENTS WITH CORONAVIRUS INFECTION IN JUNE OF THE REPUBLICAN SPECIALIZED HOSPITAL OF ZANGIOTA NO. 2.

Sobirova Guzal Naimovna,
Doctor of Medical Sciences, Associate Professor
of the Department of Rehabilitation,
Folk Medicine and Physical Culture;



Bafoeva Zarnigor Orifovna,

Assistant of the Department of Rehabilitation,
Folk Medicine and Physical Culture

Tashkent Medical Academy

Mikliev Zufar Abdumuminovich,

Head of Department 3A
Republican Specialized Hospital «Zangiota-2»

Abstract. *In fact, the pathogenesis of the coronavirus disease has not been closely investigated, therefore frequent change of the virus strain keeps the clinic of the disease changing, the lack of a single therapeutic tactics, leads to the fact that this catastrophe continues to-date. In this article, we have presented the data retrieved from COVID-19 patients by the Republican Specialized Hospital of Zangiota No. 2 in June. The main purpose of the scientific observation is to conduct a clinical analysis of all patients diagnosed with Covid-19 within a month. We have studied the medical histories of all patients (age, gender, concomitant diseases, dates of their stay in hospital, results of examination, tests, and medical treatments). From observations, it became clear that in June, mostly male, middle-aged and young people had gotten treatment in hospital; the review of frequency of concomitant diseases showed that the most common ones were diabetes mellitus and coronary heart disease in middle-aged people, hypertension – in the elderly, and bronchitis was more often registered in young people. According to the analysis of diseases of digestive system, pancreatitis and cholecystitis had prevailed in female patients, while gastritis – in males. Liver enzymes showed an increase in Ast and Alt. From the observations, it can be concluded that in June, the largest number of those infected were young and middle-aged males. Concomitant diseases were more common in young people, which indicates to rejuvenation of the diseases. An increase of liver enzymes may be associated with drugs used for treatment of the coronavirus disease.*

Keywords: COVID-19, gender, age.

Кириш

2019 йилнинг декабрь ойидан то ҳозиргача COVID-19 пандемияси давом этмоқда. Иситма, йўтал, томоқ ва бошдаги оғриқ, ҳансираш одамлар орасида SARS-CoV-2-нинг типик белгилари сифатида яққол намоён бўлмоқда [1-5]. Бу каби белгилар нафас йўллари билан боғлиқ шикоятлар бўлиб, кейинчалик нафас олиш аъзоларидан ташқари аъзолар ҳам зарарланиши мумкинлиги тиббиётчилар томонидан тасдиқланди [6-7]. Охирги кузатувлар бу вирус ҳазм тизими ҳам четлаб ўтмаслигини кўрсатди [8-9]. Олимлар 140 нафар беморда когорт текшируви олиб боришганда, 39,6% беморларда ҳазм тизими зарарланиб, кўнгил айнаши

(17,3%), диарея (12,9%) ва қусиш (5,0%) каби белгилар кузатилган [10].

Болалар орасида ҳам коронавирус учраши мумкинлиги тиббиёт ходимлари эътиборидан четда қолиб кетди [11-12]. Чунки болалар орасида бу касаллик белгисиз кечар, ўша пайтда беморлар сони кўпайгани сабабли касаллик аломатларсиз ва енгил кечган беморлардан таҳлил олинмас эди. Болаларга ҳам худди шундай эътиборсиз муносабатда бўлинди. Агар болаларда ҳам текширув олиб борилганда, эҳтимол, уларда ҳам касаллик кўрсаткичи анча фоизни ташкил қилган бўларди. Болалар орасида коронавирус аниқланиш ҳолати энг кўп АКШ, Корея ва Хитойда қайд этилди



(4-6%) [13-14]. Болаларда катталардагидек респиратор белгилар эмас, ошқозон-ичак тракти белгилари кўп кузатилди [15].


Материал ва методлар

Тадқиқот давомида Республика махсус 2-сонли Зангиота шифохонасида 2021 йилнинг июнь ойида коронавирус билан касалланган 2944 нафар (1–90 ёшгача) бемор проспектив усулда ўрганиб чиқилди. Уларнинг ёши, жинси, ёндош касалликлари, шикоятлари диагностика мақсадида ўтказилган лаборатор ва инструментал текширувлар ёрдамида ўрганиб чиқилди ва статистик таҳлил ўтказилди.

Тадқиқот натижалари

2021 йилнинг июнь ойида Зангиота юқумли касалликлар шифохонасида жами 2944 нафар бемор даволанган. Беморларни

шифохонадаги “А” ва “Б” блоклар қабул қилган. “А” блокда 5 та терапевтик бўлим, 3 та реанимация бўлими, “Б” блокда 1 та болалар ва 5 та катталар терапия бўлими, 3 та реанимация бўлими, 1 та жарроҳлик бўлими фаолият кўрсатган. Ҳар бир терапия бўлимида 200-250 нафардан бемор даволанган. “А” блокда 1172 нафар, “Б” блокда 1772 нафар бемор бўлган. Жинс бўйича таҳлил қилганда, уларнинг 1707 нафарини (58%) аёллар, 1237 нафарини (42%) эркаклар ташкил қилган. 2944 нафар бемор ЖССТнинг ёш бўйича янги таснифлаши асосида бўлиб чиқилганда, 25 ёшдан кичиклар 10% (294 нафар), ёшлар 36% (1059 нафар), ўрта ёшлилар 34% (1001 нафар), қариялар 12% (353 нафар), кексалар 8% (237 нафар)ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Беморларнинг ёш бўйича фоизларда тақсимланиши

Янада аниқроқ таҳлил қилиш учун барча (2944 нафар) беморлар ёш ва жинси бўйича

фоизларга ажратилиб, жадвалга жойлаштирилди ва қуйидаги натижалар олинди.

1-жадвал

2944 нафар беморнинг ёш ва жинс бўйича сонлар ва фоизларда тақсимланиши


Ёш	Жами (2944 нафар)	Эркаклар (1237 нафар)		Аёллар (1707 нафар)	
		%	сон	%	сон
25 ёшдан \geq	294 нафар	53	157	47	137
26-44 ёш	1059 нафар	36	377	54	682
45-60 ёш	1001 нафар	40	404	60	597
61-75 ёш	353 нафар	56	199	34	154
76 ёшдан \leq	237 нафар	42	100	58	137



Беморлар бўлимлар бўйича тақсимланганда, терапевтик бўлимларда 2778 нафар (94%) бемор ўртача 10 кун давомида даволанган. Реанимация бўлимида 166 нафар, яъни 5,6 % беморлар даволанган бўлиб, улар ўртача 16 кун давомида даво муолажаларини олган.

Ёндош касалликлар учраши бўйича таҳлил ўтказганимизда, қандли диабет 27% (795 нафар), юрак ишемик касалликлари 35 % (1030 нафар), гипертония касаллиги 28% (824 нафар), сийдик йўллари инфекцияси


7% (206 нафар), гастрит 24% (708 нафар), яра касаллиги 9% (265 нафар), холецистит 32% (942 нафар), панкреатит 37% (1089 нафар), бронхит 15% (462 нафар), бронхиал астма 4% (118 нафар), ўпканинг сурункали обструктив касалликлари 5,6% (165 нафар), жигар циррози 4% (118 нафар), сурункали гепатитлар 9% (265 нафар), пиелонефрит 5% (147 нафар), семизлик 12% (353 нафар), камқонлик 3 % (88 нафар) ва кам учрайдиган касалликлар 1,8% (52 нафар)ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Беморларнинг ёндош касалликлар бўйича тақсимланиши (ҳазм тизими касалликларидан ташқари)

Бизнинг илмий изланишимиз ҳазм тизими билан, олдинги ишларимиз эса ТТА 2-клиник шифохонасида коронавирусдан даволанган беморлардаги гепатобилиар

тизим зарарланишини ўрганиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу тизим касалликларини алоҳида ёш ва жинсга бўлиб кўрсатишни жоиз топдик.




3-расм. Ҳазм тизими касалликларининг жинсга нисбатан учраши

Беморлар, асосан, иситма, йўтал, ҳанси-раш, умумий ҳолсизлик, мушакларда оғрик, таъм ва ҳид сезгиси йўқолиши, кўнгил айнаши, қусиш, диарея, иштаҳа пасайиши каби белгилардан шикоят қилган.

Шифохонада беморлар ҳолати, касаллик кечиши ва даволаниш самарадорлигини аниқлаш учун ўртача ҳар 5 кунда диагностик таҳлиллар ўтказилган. Текширувлар умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили,

коагулограмма, умумий сийдик таҳлили, рентгенография, ИФА, УТТ, ПЗР, МСКТ дан иборат бўлган.

Биз жами беморларнинг лаборатор таҳлилларидан, асосан, жигар ферментлари-га (АЛТ, АСТ) кўпроқ эътибор қаратдик. Уларнинг шифохонага келгандаги, касал-хона давридаги (5 кун) ва шифохонадан чиқиш пайтидаги таҳлилларини ўргандик (4-расм).



4-расм. АЛТ ва АСТ натижасининг кунларга нисбатан ўзгариши

Расмдан беморларда шифохонага қабул қилингандаги жигар ферментлари ва шифо-хонадан чиқиб кетиш пайтидаги натижалар фарқ қилганини кўриш мумкин.

Зангиота шифохонасида барча бемор-ларда ЖССТ кўрсатмаси асосида даволаш ишлари олиб борилган ва ижобий натижага эришилган. 98% беморлар соғайган.



Тадқиқот натижаларининг таҳлили

Зангиота 2-сонли шифохонасидаги कोरोनाвирус билан касалланган беморларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, касаллик, асосан, ёшлар ва ўрта ёшлилар, шунингдек, аёлларда орасида кўп кузатилган. 25 ёшдан кичиклар орасида ҳам कोरोनाвирус билан касалланиш ҳолатлари қайд этилди.

Беморлар орасида юрак ишемик касалликлари, гипертония, қандли диабет кўпроқ аниқланган ва уларда касаллик нисбатан оғирроқ кечган. Ҳазм билан боғлиқ касалликлардан холецистит, панкреатит кўп учраган, гендер нисбати кам фарқ қилди.

Жигар ферментлари нисбатларида АСТга нисбатан АЛТ кўпроқ ошган. ТТА 2-клиникасида коронавирусдан даволанган беморларни ретроспектив ўрганганимизда, июнь ойида 25 ёшдан кичик беморлар кам фоизни ташкил қилган. Жинс бўйича фарқ деярли йўқ, ёш бўйича ўрта ёш устунлик

қилди. Ёндош касалликлардан ЮИК, ГК, ҚД кўп учради.

Жигар ферментларидан АСТ АЛТга нисбатан устунлик қилди. Бу ҳолат эркакларда кўпроқ аниқланди [1, 145-147-б].

Хулосалар

1. Зангиота махсус кўп тармоқли юқумли касалликлар 2-сонли шифохонасида 2021 йилнинг июнь ойида 2944 нафар бемор даволанган.

2. Аёл ва эркак беморлар нисбати статистик ишончсиз.

3. 10% беморларни 25 ёшдан кичик ёшдагилар ташкил қилди.

4. Ёндош касалликлари бор беморларда COVID-19 оғирроқ кечди ва уларда даволашни узокроқ вақтни талаб қилди.

5. Ҳазм тизими касалликлари орасида беморларда холецистит ва панкреатит кўп учради.

6. Беморларда, асосан, АЛТ ошиши кузатилди.

REFERENCES

1. Sobirova G.N., Bafoyeva Z.O. Determination and Analysis of Changes in the Hepatobiliar System in Patients with COVID-19. American Journal of Medicine and Medical Sciences, 2021, no. 11 (2), pp. 145-147. DOI: 10.5923/j.ajmms.20211102.17/.
2. Zhu N., Zhang D., Wang W. et al. A novel coronavirus from patients with pneumonia in China 2019. N Engl J Med, 2020, no. 382, pp. 727-733.
3. Guan W.J., Ni Z.Y., Hu Y. et al. Clinical characteristics of coronavirus disease 2019 in China. N Engl J Med, 2020, no. 382, pp. 1708-1720.
4. Huang C., Wang Y., Li X. et al. Clinical features of patients infected with 2019 novel coronavirus in Wuhan. China Lancet, 2020, no. 395, pp. 497-506.
5. Chen N., Zhou M., Dong X. et al. Epidemiological and clinical characteristics of 99 cases of 2019 novel coronavirus pneumonia in Wuhan, China: a descriptive study. Lancet, 2020, no. 395, pp. 507-513.
6. Wang D., Hu B., Hu C. et al. Clinical characteristics of 138 hospitalized patients with 2019 novel coronavirus-infected pneumonia in Wuhan. China JAMA, 2020, no. 323, pp. 1061-1069.
7. Effenberger M., Grabherr F., Mayr L. et al. Faecal calprotectin indicates intestinal inflammation in COVID-19. Gut, 2020, no. 69, pp. 1543-1544.
8. Sultan S., Altayar O., Siddique S.M. et al. AGA institute rapid review of the GI and liver manifestations of COVID-19, meta-analysis of international data, and recommendations for the consultative management of patients with COVID-19. Gastroenterology, 2020, no. 159, pp. 320-334. e27.



9. Hou X.H. Attention to the damage of 2019 novel coronavirus to digestive system and the possibility of fecal-oral transmission. *Chin J Dig*, 2020, no. 40 (00). DOI: 10.3760/cma.j.cn311367-20200225-00090, E006-E006/.
10. Fang D., Ma J.D., Guan J.L. et al. Manifestations of digestive system in hospitalized patients with novel coronavirus pneumonia in Wuhan, China: a single-center, descriptive study *Chin J Dig*, 2020, no. 40 (3). DOI: 10.3760/cma.j.issn.0254-1432.2020.03.000/.
11. Zhang J.J., Dong X., Cao Y.Y. et al. Clinical characteristics of 140 patients infected with SARS-CoV-2 in Wuhan, China *Allergy*, 2020. DOI: 10.1111/all.14238/.
12. Istituto Superiore di Sanità. Sorveglianza Integrata COVID-19 in Italia. Available at: https://www.epicentro.iss.it/coronavirus/bollettino/Infografica_15giugno%20ITA.pdf (accessed 15.06.2020).
13. Wu Q., Xing Y., Shi L. et al. Coinfection and other clinical characteristics of COVID-19 in children *Pediatrics*, 2020.
14. CDC COVID-19 Response Team. <https://www.cdc.gov/coronavirus/2019-ncov/cases-updates/cases-in-us.html>, Accessed June 18, 2020.
15. Republic of South Korea Ministry of Health and Welfare Coronavirus Dis 2019, 2020. Available at: <http://ncov.mohw.go.kr/>.
16. Elisa Perego's Twitter, 2020. Available at: <https://twitter.com/elisaperego78/status/1263172084055838721?s=20/> (accessed 31.07.2020).
17. Keay L. Long-term COVID Warning: ICU Doctor Reports Having Coronavirus Symptoms for Three Months. Available at: <https://news.sky.com/story/long-term-covid-warning-icu-doctor-reports-having-coronavirus-symptoms-for-three-months-12014361/> (accessed 19.08.2020).
18. Lokugamage A., Taylor S., Rayner C. Patients' Experiences of 'longcovid' Are Missing from the NHS Narrative. Available at: <https://blogs.bmj.com/bmj/2020/07/10/patients-experiences-of-longcovid-are-missing-from-the-nhs-narrative/> (accessed 31.07.2020).
19. Mahase E. COVID-19: what do we know about "Long Covid"? *BMJ*, 2020, pp. 370. DOI: 10.1136/bmj.m2815/.
20. Altmann D.M., Boyton R.J. SARS-CoV-2 T-cell immunity: specificity, function, durability, and role in protection. *Sci Immunol*, 2020, no. 5 (49), eabd6160. DOI: 10.1126/sciimmunol.abd6160/.
21. Sacks B. COVID Long-Haulers Are Organizing and Demanding Better Care – and They Just Got A Meeting with the WHO. *BuzzFeed News*, 2020. Available at: <https://www.buzzfeednews.com/article/briannasacks/covid-long-haulers-who-coronavirus/> (accessed: 23.08.2020).
22. Dong Y., Mo X., Hu Y. et al. Epidemiology of COVID-19 among children in China. *Pediatrics*, 2020, no. 145, Article e20200702.
23. Chan J.F., Yuan S., Kok K.H. et al. A familial cluster of pneumonia associated with the 2019 novel coronavirus indicating person-to-person transmission: a study of a family cluster. *Lancet*, 2020, no. 395, pp. 514-523.